
Туманда халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири ўтказилди

Қува туманидаги “Толмозор” тантаналар мажмуасида 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокими Халимжон Умаров, вилоят секторлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда туманимизнинг фаол хотин-қизлари иштирок этдилар.

Тантана қатнашчиларини бугунги қутлуғ шодиёна билан самимий қутлаган туман ҳокими Халимжон Умаров, уларнинг тимсолида юртимиз аёллари ва қувалик барча опа-сингилларимизга энг эзгу тилаklarини изҳор этди.

Мамлакатимизда эришилаётган қувонарли ютуқларда, барча жабҳаларда юксак марраларни қўлга киритишда ҳаётимиз файзи бўлган мунис ва дилбар оила бекаларининг ўзига хос муносиб ўрни борлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

Байрам тадбирида туман ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги ва ташаббускорлиги, ўзининг самарали меҳнати билан оила бахти ва фаровонлиги мустаҳкамланиши, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшаётган, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий кадриятларни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларга эсдалик совғалари топширилди.

Туман маданият бўлимининг истеъдодли ҳонандаларининг чиқишлари, кадрдон куй-қўшиқлар, мумтоз рақслар байрам тадбирига янада шуқуҳ ва файз бағишлади.

2023-03-07 18:13:09